

ХИИ «Kogon Yog'-ekstraksiya zavodi» акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

ХИИ «Kogon Yog'-Ekstraksiya zavodi» АЖ Кузатув кенгашининг 2019 йил 5 апрелдаги қарорига асосан 30 апрел 2019 йил соат 14:00 да Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

Манзил: Бухоро вилояти, Когон шаҳар, А.Темур кўчаси, 5а уйда жойлашган, ХИИ «Kogon Yog'-Ekstraksiya zavodi» АЖ мажлислар залида.

Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси:

– Жамият навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида хабар бериш учун - 05 апрел 2019 йил;

– Жамият навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун - 24 апрел 2019 йил.

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг «Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги» Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисидаги» Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг «Ижроия органи ҳақидаги» Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг «Тафтиш комиссияси тўғрисидаги» Низомини янги таҳрирда тасдиқлаш.

8. Аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

Акциядорларни рўйхатга олиш 30 апрел 2019 йил соат 13:00 да бошланади. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар қонунчиликка мувофиқ шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни (паспорт) рўйхатга олиш вақтида тақдим этиши шарт. Юридик шахсларнинг вакиллари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро вилояти, Когон шаҳар, А.Темур кўчаси, 5а уй.

E-mail: info@kogonyog.uz, kogonyog@mail.ru

Тел: +998 (65) 522 24 03.

ХИИ «Kogon Yog'-Ekstraksiya zavodi» АЖ Кузатув кенгаши